

## Рўза тутиш, таҳоратли юриш, дуонинг фазилатлари



10:09 / 16.12.2025 1516

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар:

**«Ким никоҳга қодир бўлмаса, бас, у рўзани маҳкам тутсин. Чунки, у вижодир»** («*Мишкоти Шариф*»).

«Вижо»нинг маъноси шаҳватни синдирувчи ёки тугатувчи дегани. Рўза тутиш оч бўлиш, яъни қоринни бўш тутиш демакдир. У орқали кибр ва шаҳватни синдириш керак бўлади.

Бир куни Боязид Бистомий раҳматуллоҳи алайҳ очликнинг фазилатларини баён қилаётган эдилар. Бир киши: «Очликнинг ҳам фазилати бўлиши мумкинми?» деб сўради. Шунда у киши: «Ҳа, Фираъвнга агар очлик етганида, у худолик даъвосини қилмас эди», дедилар.

Бундан маълум бўладики, барча сархушликлар қорин тўйиши сабабидан урчийди. Бинобарин, қайси мўмин бандага шаҳвоний қувват ғолиб келса, у одам рўза тутишга эътибор қаратиши лозим. Нафл рўзаларини тутиш тартиби шуки, ойнанг ўртаси 13-14-15-кунлари рўза тутиши керак. Одатда кўпчилик ҳар душанба ва пайшанба кунлари рўза тутишга одатланган.

Ҳазрати Таҳановий раҳматуллоҳи алайҳ шундай ёзганлар: «Бир неча кун рўза тутиш кифоя қилмайди, балки, узлуксиз-тўхтамасдан тутиш зарур. Кейин, иншаАллоҳ, шаҳвоний қувват устидан ғолиблик ҳосил бўлади ва бузуқ, ёмон феълдан сақланиш осон бўлади».

Ҳадиси шарифда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

«Таҳорат мўминнинг қуролидир». Шайтоний ҳамлалардан сақланиш учун таҳорат энг яхши чорадир. Уни ҳадиси шарифда «қурол» деб таъбир қилинди. Масалан, банда душманидан сақланиш учун бирор қуролни ишлатади. Худди шунга ўхшаб, қай бир банда шайтоний кучдан ғолиб келишни истаса, доим таҳоратли юришга ҳаракат қилсин. Бу иш бандага кўп гуноҳлардан сақланишга ёрдам беради. Шунга кўра, биз агар бу одатни ўзлаштириб доим таҳоратли юрсак, иншаАллоҳ, гуноҳдан сақланиш қийин бўлмайди. Таҳоратдан инсонга ботиний хотиржамлик насиб бўлади. Маҳзун қилувчи хаёллардан нажот беради.

Шаҳватни назорат қилиш ва зинодан сақланишнинг гўзал чораларидан бири шуки, банда Раббига дуо қилсин ва шундай десин: «Эй Хожам! Мен заифман, нотавонман. Менга кўмак бер. Мени гуноҳга мубтало бўлишдан сақла». Чунки, Қуръони Каримда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

**«Менга дуо қилинглар. Мен сизларга ижобат қиламан»** (Ғофир сураси, 60-оят).

Бадназарлик ва зинодан сақлан

Ҳадиси шарифларда ҳам бу гапнинг исботи топилади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадисларида шундай марҳамат қилганлар:

**«Аллоҳим! Мен Сендан ҳидоят, такво, поклик ва бойлик сўрайман»** («Мишкоти Шариф»).

Ёки бундай десин:

يَا اَللّٰهُمَّ وَايُّهَا الَّذِيْ نَدُوْكَ يَا نَبِيَّ دِيْنَِيْ فَاغْلِبْ اَوْ وَاغْلِبْ لِيْ كَلِّ اَسْأَلُكَ اِيْنَ اَمْرٍ لِّا

**«Аллоҳим! Мен Сендан авф сўрайман, диним, дунёйим, аҳлим ва молимда офият сўрайман».**

Ёки бундай десин:

اَسْئَلُكَ لِقَاءَ مَنْ تَفْتَنُ مِنْ كَلْبٍ دُوْعًا يَنْجِي الْمُرَّةَ لَلْا

**«Аллоҳим! Мен аёллар фитнасидан Сенинг паноҳингни сўрайман».**

Ояти карима ва ҳадиси шарифлардан маълум бўладиги, қачон банда ёлвориб, ҳокисор бўлиб дуо қилса ва: «Аллоҳим! Мен заифман. Сендан бошқа ҳеч ким мени сақлай олмайди. Сендан бошқа ҳеч ким менга раҳм қила олмайди. Аллоҳим! Менга қарам қил ва ўз раҳматинг чодирига мени ўраб ол», деса, иншаАллоҳ, бу дуолар ижобат бўлиб, зино, бузуқлик ва бошқа гуноҳлардан сақланиш унга осон бўлади.

***«Бадназарлик ва зинодан сақланиш» китоби асосида тайёрланди***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 июндаги 03-07/4033 рақамли хулосаси асосида чоп этилган.